# *ПУДРАТ Ш А Р Т Н О М А С И № 4*

**«06» октябрь 2022 йил**

**Қарши шахри**

“OLIY - SIFAT SIGNAL” XK кейинги ўринларда ”**Бажарувчи**” деб юритилади, ўзининг низоми асосида иш юритувчи У.Намозов номидан бир томондан ва Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун “Қарши” санаторийси кейинги ўринларда “**Буюуртмачи**” деб юритилади хамда ўзининг низоми асосида иш юритувчи бош шифокор Р.К.Ходжаев иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. **Бажарувчи** ўзига тегишли бўлган товар(Хизматлар)ни ушбу спецификацияга асосан **Буюуртмачи**га топшириш, **Буюуртмачи** эса (Хизматлар)ни кабул килиш ва ушбу шартномада кўрсатилган суммани белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

**Жами: 88 984 620** (Саксон саккиз минг тўккиз юз саксон тўрт минг олти юз йигирма) сўм

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (хизматлар)ни етказиб бериш муддати: **“31” октябрь 2022 йилгача**

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **88 984 620** (Саксон саккиз минг тўккиз юз саксон тўрт минг олти юз йигирма) сумни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган хизматлар учун олдиндан тулов микдори **26 695 386** сумни, яъни белгиланган сумманинг 2022 йил октябрь ойи учун ажратилган маблағнинг 30 фоизини ташкил килади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг октябрь ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса **62 289 234 сум** яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўлов **2022-йил « 31 » октябрь** амалга оширилади.

2.3. Тўлов шакли накд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. **Бажарувчи**нинг мажбуриятлари:

3.1.1. Бажариладиган хизматни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Буюртмачига ўз вактида топшириш.

3.1.2. Бажариладиган хизматниларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.

3.1.3. Бажарувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (хизмат) мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 3 (уч) кун ичида сифатсиз товар (хизмат)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 3.1.2.-бандига мувофик сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини кайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.4.Бажарувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. **Буюуртмачи**нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул килиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни (хизматни)миқдори, сифати ва бутланиши бўйича кабул килиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар(хизмат) келтирилганлиги аникланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 1(бир) кун ичида бажарувчини хабардор килади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар (хизмат) ҳақини тўлаб бериш.

## 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра кўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш хакидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳакконийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган кўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас кисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома конунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг конунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошка ҳолларда кайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товар (хизмат)ни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлик коплайди ва куйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни (хизмат) тўлик топширмаганлик учун Бажарувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар кийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни (хизмат) топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни (хизмат)топширганлик учун айбдор тараф товар кийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди:

5.4.Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Бажарувчи товар (хизмат) қийматининг 10% микдорида жарима тўлайди:

5.5. Товар хакини ўз вактида ёки тўлик тўламаганлик учун Буюртмачи олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг ____ % миқдорида, лекин ушбу сумманинг ___ % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб ракамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома **2022 йил 06 октябрдан 2022 йил 31 декабргача** амалда бўлади.
6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор холатларида

## 7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1 Мазкур шартнома, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси 3-бандига мувофик тегишли тартибда Ғазначилик булинмаларида руйхатдан ўтказилган кундан бошлаб қонуний кучга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тулик бажариши учун асос хисобланиб **2022 йил 31 декабргача** амал қилади.
7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлик тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошка қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади
8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Кашкадарё вилоят Хўжалик судида хал қилинади.

## 9. БОШКА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«БАЖАРУВЧИ»**

**"OLIY - SIFAT SIGNAL"**
манзили: Карши шахар Нефчилар кўчаси 22/1
тел/факс
х/р: **20208000705216528001**
Банк: **Ипотекабанк Қашқадарё филиали.**
МФО: **00190**, ИНН: **307351999**
ОКОНХ:

Рахбар: **У.Намозов** ____________ (имзо)

М.У.

**ХУҚУҚШУНОС:** ____________ (имзо)

**«БУЮРТМАЧИ»**

**"Қарши" санаторийси**
манзили **Карши шахар Нўрбоғ кўчаси 2/34**
тел/факс
ш.х/р: **100021860104017101203344001**
Бюджетдан маблаг олувчи СТИРи: **305890512**
ОКОНХ: **86100**
**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги**
Ғазна х/в: **23402000300100001010**
Банк номи: **Марказий банк Тошкент шахар бош бошкармаси Хисоб-китоб касса маркази**
МФО: **00014**, СТИР: **201122919**
Рахбар: **Р.К.Ходжаев** ____________ (имзо)

М.У.

____________
(бюджет ташкилот хукукшуносининг Ф.И.О)

**«ТАСДИКЛАЙМАН»**

Кексалар ва ногиронилиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун "Қарши" санаторийси бош шифокори

_______________Р.К.Ходжаев

06.10. 2022 йил № 02 Қарши шахри

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун "Қарши" санаторийсида видео кузатув ускуналари жорий таъмирлаш ва урнатишни ташкил этиш учун 2021 йил 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сонли қонунининг талабларига асосан энг яхши таклифларни танлаш орқали шартнома тузишни ташкил қилиш комиссиясининг

## М У Х О К А М А Б А Ё Н И :

Бош шифокор: Комиссия раиси: Р.Ходжаев

АЪЗОЛАРИ:

Бош шифокор ўринбосари: Р.Аралова

Бош ҳисобчи: С.Ирисов

Омбор мудири: Х.Шукуров

Хужалик мудири: З.Мингбоев

Котиба: А.Ахматова

**Кун тартибида кўриладиган масала:**

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун "Қарши" санаторийси видео кузатув ускуналари жорий таъмирлаш ва урнатишни ташкил этиш учун танлов асосида 2022 йил 22 сентябрь кунидаги 22110012154008-сонли лот билан Давлат харидларининг etender.uzex.uz дастурий мажмуасига жойлаштирилган электрон эълон 2022 йил 30 сентябр куни тугаганлиги ва ушбу лот натижасига биноан шартнома тузиш ва шартномани тасдиқлаш тўғрисида.

Комиссия энг яхши таклифларни танлаш жараёнида қатнашган таъминотчи ташкилотлар таклифларини кўриб чиқди. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун "Қарши" санаторийси видео кузатув ускуналари жорий таъмирлаш ва ўрнатиш учун 6 та хусусий корхона ўз таклифлари билан қатнашганлиги аниқланди. Улар томонидан берилган таклифлар ва хар бир юкланган маълумотлар синчиклаб ўрганиб чиқилиб танлов талабларига асосан баҳо берилди.

Берилган баҳолар натижасига асосан энг яхши таклифларни танлаш танлови бўйича 2022 йил 03 октябрь кунида 154008-сонли баённома электрон тарзда шаклланди. Баённома шакллангандан сўнг энг юқори балл билан "OLIY - SIFAT SIGNAL" ХК ғолиб бўлганлиги аниқланди ва 2 иш (48 соат) куни муҳокамага қўйилди ҳамда рақобатчи ташкилот томонидан электрон ва/ёки ёзма эътирозлар келиб тушмагандан сўнг

## КОМИССИЯ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "OLIY - SIFAT SIGNAL" ХК ғолиб деб топилсин.
2. "OLIY - SIFAT SIGNAL" ХК корхонаси томонидан таклиф этилган нархлар асосида шартнома расмийлаштирилсин.
3. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилиш бош ҳисобчи С.Ирисов зиммасига юклатилсин.

АЪЗОЛАРИ:

Бош шифокор ўринбосари: Р.Аралова

Бош ҳисобчи: С.Ирисов

Омбор мудири: Х.Шукуров

Хужалик мудири: З.Мингбоев

Котиба: А.Ахматова